
Риштон тумани ҳоқимига биринчи ўринбосар тайинланди

Мустафақулов Азизжон Бахтиёрович 2021 йил 16 январь кундан Риштон тумани ҳоқимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Мустафақулов Азизжон Бахтиёрович 1975 йили Фарғона вилояти Риштон туманида туғилган.

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

1997-1997 йй. - Риштон туман халқ таълими бўлимида ҳисобчи

1997-2001 йй. - Риштон туман молия бўлимида бошқарув органларини молиялаштириш бўйича I-тоифали тафтишчи-инспектор, давлат даромадлар бўйича I-тоифали иқтисодчи, бюджет бўйича II-тоифали иқтисодчи

2001-2006 йй. - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фарғона вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлими I-тоифали назоратчи-тафтишчиси

2006-2007 йй. - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Фарғона вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармасининг Ташкилий-услубий ишлар бўлимида бош назоратчи-тафтишчи

2007-2010 йй. - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Фарғона вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармасининг Ташкилий-услубий ишлар бўлими бошлиғи

2010-2018 йй. - Риштон туман ҳоқимлигининг молия бўлими мудир

2018-й. х.в - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Фарғона вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Эслатиб ўтамиз, бунгача Риштон тумани ҳоқимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Абдусалом Сиддиқов Бизнес ва тадбиркорлик мактабига ўқишга кирганлиги сабабли лавозимидан озод этилди.

2021-01-18 15:03:18